# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

## «АМИР ТЕМУР» ҚОЗОҚ САҲНАСИДА

**Чимкентдаги Ж. Шанин номли қозоқ драма театри соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Амир Темур» спектаклини саҳналаштирди.**

Театр жамоаси спектакль премьерасига ўзбекистонлик бир гуруҳ мутахассисларни ҳам таклиф этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қозоқ драматурги Исроил Сафарбой ҳазрат Амир Темур образини яратишда ўзига хос ижод намунасини кўрсатиб, тарихий ҳақиқатга холис ёндашишга уринган. Спектакль анча жиддий, қайғули, шунингдек, маъноли ва мазмунлилиги билан диққатга сазовор. Асарнинг саҳнавий кўринишида ҳам тарихнинг тилсимлари жимжимадор бўёқ ва турли ашёларда чуқур маъно касб этган. Айниқса, Темур ва унинг аъёнлари хатти-ҳаракатлари инсоний одоб-ахлоқ доирасида характерли тасвирланган.

Э. ХУШВАҚТОВ,
драматург.

• Юзма-юз

**«Мирзо» деб номланган жажжи кулги театрининг ташкил этилганига бир йил бўлди. Мазкур театр ижодкорлари шу кунгача республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, меҳнаткашларга қувонч ва шодлик улашиб, кулдириб келаётирлар. Театрга таниқли кулги устаси Мирза Холметов бошчилик қилмоқда.**

## БИР ЁШЛИ ТЕАТР



**— Шу кунларда кўпчилик ўзи ташкил этган фирма ёки магазинга ўзининг номини қўйиб олмоқда. Сиз ҳам бу урфга шунчаки риоя қилдингизми ёки бошқа сабаби ҳам борми?**

— Сезиб турибман. Бошлиқ бўлганингиз учун ўз номингизни қўйиб олганмисиз, демоқчисиз-да. Асло. Аввало, кўплашиб туғилажак чақалоғимиз — театримизга муносиб ном излади. У деб кўрдик, бу деб кўрдик. Хуллас, менинг исмимга келиб тўхтадик. «Мирзо» менинг номим бўлишидан ташқари театримиздаги ижодкорларнинг феъл-атвори ва кайфиятини ҳам ифодалайди. Ҳар бир ҳарф рамзий маънога эга бўлиб, Маҳоратли, Истеъдодли, Роса Завқли Одамлар театри деган тушунчани англатади. Театрга ишга кирмоқчи бўлганлар ҳам ана шу асосда саралаб олинади.

**— Ёзувчиликка ҳам рағбатингиз бор дейишади...**

— Жуда тўғри, даъвойим эмас, рағбатим кучли. Анча-мунча шеърлар ҳам битганман. Бинойидек. Худо менга артистликдан ташқари ёзувчиликдан ҳам «юқтирган» шекилли, деб ўйлаб қоламан. Буни сизга ҳазил тариқасида айтаётган бўлсам-да, сабаби ҳам йўқ эмас. Баъзан кўча-кўйда яёв, ёхуд трамвай ва троллейбусда юришга тўғри келиб қолади. Шунда ўз-ўзидан теварак-атрофдаги одамларнинг қизиқ-қизиқ, теша тегмаган гаплари қулоғимга чалинади. Атайлаб қулоқ солмай дейман-у, барибир эшитавераман. Ёки бирорта одамнинг хатти-ҳаракатидан, феъл-атворидан қизиқарли деталлар топиб оламан. Ана ўшандай пайтларда учратганларимни ва кўрганларимни дарров ёзиб қўяман. Қарабсизки, битта ҳангома, битта латифа тайёр-да. Яқинда юрагим бетлаб бу соҳада каттароқ ишга қўл урдим: «Болажон» номли сценарий ёздим. У Ўзбекистон телевидениеси томонидан суратга олинди. Бош ролда ўзим чиққанман. Шунингдек, шогирдларим Шукрулло Исроилов билан Валижон Шамсиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова ҳамда қизи Нилуфар ҳам қатнашишган.

**— Сиз бу санъаткор қўшиқларининг ихлосманди экансиз. Бунинг боиси нимада?**

— Аввало, Юлдузхоннинг ўзини қаттиқ ҳурмат қиламан. У тиниб-тинчимас, фидойи ва заҳматкаш ижодкор. Изланишдан, меҳнатдан, ўз устида ишлашдан сира эринмайди. Тасаввур қилинг, фалон куни концерт деб афишалар ёзилиб, билетлар сотилган бир пайтда у касалхонага тушиб қолади. Муолажа олиб, даволаниши зарурлигига қарамасдан, бир амаллаб даволовчи шифокоридан рухсат олиб, белгиланган вақтда концертини ўтказиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Унинг ўрнида бошқа санъаткор бўлганда, эҳтимол, концертни бошқа кунга қолдирарди ҳам. Бундан ташқари у ҳар бир қўшиқни юрагидан чиқариб, дард билан айтади. У билан ҳамкорликда ижод қиламиз. «Халқлар дўстлиги» саройида биргаликда концерт намойиш этдик. «Болажон»да ҳам у қизи билан қўшиқлар айтади.

**— Кўпчилик санъаткорлар концертларини ёзиб олишларидан чўчишади. Сизнинг овозингиз ёзилган ленталар ҳар қадамда янграйди. Бундай ёзиб олишлар оммалашиб кетиб, концертингизга томошабин кирмай қолишидан қўрқмайсизми?**

— Йўқ. Ҳақиқий санъат қанчалик кўп оммалашса, шунчалик қадри ошади. Мақтаняпти демангу, ҳозиргача бўш зал у ёқда турсин, бир неча ўриндиғи бўш залда концерт берганимни эслолмайман. Шукрки, борган жойим ҳамиша гавжум ва тирбанд. Энди ёзиб олиш хусусида нима десам экан. Ҳар сафар концерт бошланишидан аввалроқ кимдир албатта менга «Отам ёки онам касал ётибди, рухсат берсангиз овозингизни лентага ёзиб олиб, уларга эшиттирсам, зора кўнгиллари кўтарилиб, тузалиб кетишса, сизни жуда яхши кўришади», деб илтимос қилади. Унинг қанчалик тўғри ёки нотўғри гапиргани менга қоронғи, лекин йўқ дея олмайман. Битта ҳангома ёки латифа билан битта беморни тузатсам ёмонми?

**— Фарзандларингизнинг қандай касб эгаллашини хоҳлардингиз?**

— Худо берган уч ўғил ва бир қизим бор. Тўрттовиниям ўзимга ўхшаб қизиқчи-кулдирувчи бўлишларини истайман. Нега десангиз, одамларга самимий кулги улашган одамга яратганнинг мағфирати ёғилармиш.

**— Инсонлардаги қайси одатларни хушламайсиз?**

— Ёруғ дунёнинг бандалари хилма-хил. Кулгини тушунмаган кишиларни ночор ва бахтсиз деб биламан. Уларга жуда ачинаман.

**— Ўзбекнинг тўй-ҳашами артистсиз ўтмайди. Сизни таклиф қилиб келишганда хизмат ҳақини олдиндан айтасизми ёки...**

— Ҳар ким ўз ҳолига қараб, десам тўғрироқ бўлади. Ҳеч қачон шунча берасиз деб айтмаганман ва бундан кейин ҳам айтмасам керак. Борига барака, топганим тирикчиликка, рўзғорга, бола-чақага, борди-келдига бемалол етиб ортади. Беш панжани баравар... менга тўғри келмайди.

**— Ижодкор, санъаткор ҳамиша режа билан яшайди. Айни шу кунларда қандай ишлар билан бандсиз?**

— Шу йилнинг 10-12 май кунлари «Халқлар дўстлиги» саройида янги томоша дастури кўрсатдик. Биз билан бирга қўқонлик Тоҳирбек Маҳкамов, Матёқуб Матжонов, Болтавой Тошматов ва Равшан Жўраев қатнашди. Ушбу дастуримизни тайёрлашда бизга таниқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев жуда катта ёрдам берди. Айни шу кунларда яна янги томошалар тайёрлаш учун елиб-югуриб юрибмиз.

**— «Халқ сўзи» ўқувчиларига тилакларингиз?**

— Камроқ кийиб, камроқ ебичсангиз ҳам кўпроқ кулинг. Беғубор кулги сиҳат-саломатлик ва хуш кайфият гаровидир. Томошаларимизга тез-тез ташриф буюриб туришни унутманг. Ҳамиша биз хизматда-ю, сиз иззатда...

«Халқ сўзи» мухбири
Г. ҲУСАНОВА суҳбатлашди.




## ҲАЗИЛ – ҚОБИЛИЯТНИ КАШФ ЭТДИ

Канадалик бастакор Х. Морганнинг антиқа қобилияти Америка қитъаси олимларини ҳайратга солди.

Бастакор аввалига Нью-Йоркда бўлган мусиқашунослар йиғинида ўзи ёзган янги мусиқасини ижро этиб, барчани лол қолдирди. Энг қизиғи, йиғин ўрталарида танаффус пайти рўй берди. Форум иштирокчилари Морганга ҳазил қилиб, унинг гитарасини 120 қаватли бинога бекитишди. Бастакор залда, одамлар қуршовида туриб, ҳозир гитараси 117-қаватнинг ҳожатхонасидаги яшикдалигини аниқ айтиб берганидан одамлар ёқаларини ушлаб қолишди. Ҳозир ўнлаб илмий марказ олимлари Морган устида тадқиқотларини бошлаб юборишди. Бироқ ҳали ҳеч ким бирор жўяли гап айтолмаяпти.

## АРИЛАРГА ХУШ ЁҚҚАН КРЕМ

31 ёшли тибетлик деҳқон Хен Чун шу пайтгача узоқ шаҳарларга бориш нари турсин, яқинидаги туман марказига ҳам қадам босмаган экан.

У туғилган куни маза қилиб дам олиш ниятида шаҳарга боришни кўнглидан ўтказди. Дугонасидан крем, атир-упа олиб, пардоз қилишга тушди. Кремни юзига суртиши биланоқ тепасида арилар галаси пайдо бўлиб, юзига ёпишди. Бечора Хен қўрққанидан ҳушидан кетди. Лекин арилар зиён-заҳмат етказишмади. Фақат юзидаги кремини «ялаб» кетишди. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган дўхтирлар Хенга таскин беришдан нарига ўтишмади. Бу ҳодисани шу ерлик асаларичи: кремдан арилар яхши кўрган гул ҳиди анқиган, дея изоҳлади.

## БОҒ – УЧ ТУНДА ЙЎҚ БЎЛДИ

Куженер туман (Мари республикаси) марказида янги ташкил этилган маданият боғи уч кечада вайрон бўлди.

Боғ раҳбарлари ҳомий топишиб, Бразилия, Малайзия, Африкадаги ўнлаб давлатлардан 12 миллион долларга ранг-баранг гуллар, дарахт кўчатлари келтириб экишувди. Хорижий чинни фавворалар ўрнатишиб, йўлаклар чеккасида одамларни қўшалоқ, бақалоқ қилиб кўрсатадиган ойналар қўйишганди. Болалару катталар бир ой ичида боққа ўрганиб қолишганди. Ҳар кеч гавжум эди. Бир куни боғ маъмурияти тушган даромаднинг бир қисмини мукофот тариқасида ишчиларга тарқатди. Шу кеча ҳамма қиттак-қиттак отиб, тарашадек қотди. Эрталаб не кўз билан кўришсинки, на бирор туп гул, на бир туп дарахт кўчати соғ қолибди. Ҳаммасини қишлоқ хонадонларидаги эчкилар ғажиб кетишибди. Боғ маъмурияти етказилган зарарни тўлашсин, деб эчки эгаларини судга берди. Аммо мол эгалари пул тўлашдан кўра, эчкиларини боғ ихтиёрига қолдиришни афзал кўришди. Эринмаган боғ ходимлари бир бурчакдан кўра ясашиб, ҳайвонларни қамаб қўйишди. Лекин ярим кечаси очиққан моллар кўрадан чиқиб, қолган-қутган экинларини ҳам еб битиришди. Учинчи кечаси эса ойналар ҳам, фавворалар ҳам изсиз йўқолди. Туман ички ишлар бўлими изқуварлари туллару дарахтларни эчкилар бўйнига ёзишди, лекин ҳалигача фаввора-ю ойналарни қайси «эчки» ўмарганлигини билишолмаяпти.

## КИЙИКЛАР ... ҚАЙТИБ КЕЛДИ

**«Зарафшон» қўриқхонаси нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда ҳам наботот оламини асровчи табиатнинг ягона ноёб ва нодир хазинаси ҳисобланади.**

Асрлар давомида табиийлигини сақлаб келаётган бу масканнинг ўз ҳаёти ва яшаш қонунияти бор. Унинг турли-туман ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига назар ташласангиз, бир-бирига занжирсимон боғланган ҳаёт кечмиши, яшаш тарзини кўриб, беихтиёр ҳайратланасиз. Бу ҳаёт қонунини бузиш асло мумкин эмас.

«Зарафшон» тўқайзорига билиб, билмай кўп озор етказдик. Хайриятки, мустақиллик шарофати туфайли бу хатолар тузатилмоқда. Қўриқхонанинг ҳайвонот дунёси яқинда яна бир камёб жонзот тури билан бойиди. Бу ерга Қорақалпоғистоннинг Бадайтўқай қўриқхонасидан 6 бош Бухоро хонгул кийиги олиб келинди. Бунинг учун қўриқхона ичидан 3 гектар ер ажратилиб, атрофи 2,75 см. баландликдаги сим тўрлар билан ўралди.

Бу хайрли ишда республика ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси бош-қош бўлиб, моддий томондан ёрдам кўрсатди. Айниқса, Франциянинг Элен-Буа шаҳар ҳокими доктор Антуан Семперэ ва Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Пол Везианнинг хизматлари жуда катта бўлди. Улар кийикларни келтириш, парваришлаш, кўпайтириш учун беш йиллик шартнома туздилар. Бунинг учун 500 минг доллар миқдорида пул ажратилди. Шундай қилиб, «оҳу кўз», «чўл бекаси» деб ном олган кийиклар «Зарафшон» этакларига яна қайтиб келди.

Қ. ҲАЙДАРОВ.

• ТАНСИҚ ТАОМЛАР

Скандинавия мамлакатларида қадимги даврларда викинг деган халқ яшаган. Ана шулардан товуқ пиширишнинг ибтидоий усули шведларга мерос бўлиб қолган. Товуқни сўйгач, ичакчавоғи олиб ташланади, ювилади ва туз сепилади, пати юлинмайди. Соз тупроқдан лой қорилиб товуқнинг устига чапланади, бу бамисли гуваладек бўлади. Сўнг у бундай усулда пиширилади: ердан ўчоқ ковланади, ўчоқ устига йўғонроқ симданми ёки ингичкароқ темирданми қўйиб панжара ҳосил қилинади.

## ВИКИНГЧА ДИМЛАМА

Металл панжара устига муштдай-муштдай келадиган тошлардан терилади, унинг устига лой чапланган товуқ қўйилади, атрофига ва устига яна тошлар терилади. Ана энди остидан олов ёқилади, аланга тошлар орасидан ўтиб ёнади. Тахминан бир соат ёнгандан сўнг тошлар олиб ташланиб гувала аста синдирилиб, орасидан буғланиб турган селликкина товуқ гўшти ажратиб олинади. Патлари ва териси лойга ёпишганлиги учун осон ажрайди. Худди шундай усулда карп, сазан балиқларини ҳам пишириш мумкин. Балиқ ичига сельдер, укроп каби ошкўклардан ва нордон мевалардан солса яхши бўлади. Бу 15 дақиқача пиширилса бас.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

## БОЙСУНТОҒ

**Бойсунтоғ қаерда жойлашган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

Ш. РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти.

— Ўрта Осиёдаги бу тоғ Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоғи, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 150 км. чўзилган. Энг баланд нуқтаси 4424 м, айрим қисмлари: Қуштанг (3723 м), Кетмончопти (3168 м), Саримас (1890 м), деб аталади. Ўртача баландлиги 3000-4000 м, 3000 м. дан баланд Газа, Беловоти довонлари бор. Бойсунтоғ Шерободдарё билан Сурхондарёнинг сув айирғичи. Бойсунтоғнинг замини герцин ва альпорогенизислари даврида бурмаланган. Бойсунтоғнинг жануби-шарқи тик ва камар. Шимоли-ғарби эса қия ва узун. Замини Кембрийдан олдин ва Полеозой эрасида пайдо бўлган гранит, гранодиорит, гнейс, сланецдан иборат. Бу жинслар қаттиқ бўлгани учун емирилмаган, ўткир қирралари ва учли чўққилари бор. Жануби-шарқий ён бағрининг иқлими анча юмшоқ (3000 м. гача) ва сернам. Денгиз сатҳидан 1200-1500 м. баландликда, ёзда ҳарорат 25 даража, қишда — 0 даража, 2500-3000 м. баландликда, ёзда эса 17, қишда —6 даража бўлади. Энг паст ҳарорат 750-800 м. баландликда -17 даражадан 25 даражагача совуқ бўлади. Баландлик ошган сари ёғин кўпая боради. Камарчи ва Бойсунда 396-445 мм. Чошболо ва Сангарда 739-790 мм. ёғин бўлади. Бойсунтоғ ён бағирларидан Қайроқсой, Гуматаксой, Шотутсой, Шўрчоп, Палғар, Қизилсой, Эрғойли, Мочайдарё каби серсув сойлар оқиб тушади. Бойсунтоғ ён бағирларида оқ қурай, қизилмия, янтоқ, қўзиқулоқ, карач, қилтиқ каби ўтлар ўсади. Арчазорлар бисёр.

## Ё ОТИНГ ЧИҚСИН, Ё ЎТИНГ ЧИҚСИН

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК
ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

(Ўт жигардан чиқадиган суюқлик).

Уни «ўтака», «заҳра» ҳам дейдилар. «Ўти ёрилди», «Ўтакаси ёрилди», «ўти учди», «заҳраси учди» иборалари «Ўлгудай қўрқиб кетди» деган маънодадир. «Ё номинг чиқсин, ё жонинг чиқсин», «Ё ловуллаб ён, ё донғинг чиқсин» деб ҳам қўлланиладиган мазкур мақол билан: «Бир ишга киришдингми, унга маҳкам ёпиш, ғайрат, жасорат, фидойилик кўрсат ва шу ишни охирига етказ, токи одамлар сенга қойил қолишсин, улар ўртасида номинг чиқсин, обрў-эътибор қозон», демоқчи бўладилар. «Аҳмаджон хотини, қариндошлари, ёр-дўстлари билан хайрлашар экан, худди ҳозир урушга кириб кетаётгандай, «ё чангим чиқади, ё донғим чиқади!» — деди (А. Қаҳҳор).

## «ҒАРОЙИБ МУСОБАҚА»

Фарғона шаҳридаги 13-ўрта мактабда ўзига хос мусобақа бўлиб ўтди. Унда мактабнинг юқори синф ўқувчилари тўпни боши ва оёғи билан ерга туширмай, машқлар кўрсатишда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Тўпни боши узра узоқ вақт туширмай маҳорат кўрсатган Сергей Воронцов биринчи турнир ғолиби бўлди. Тўпни оёғи билан ерга туширмай турли ҳунарлар кўрсатган Андрей Губановга тенг келадиган рақиб топилмади.

Кўпчиликнинг эътиборини тортувчи, ажойиб футбол томошаларини мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони «Нефтчи»нинг ўз майдонидаги ўйинлардан олдин намойиш қилиш ҳақидаги таклифлар кўпчиликка маъқул тушди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

*Номзод Султонов Самарқанд давлат қурилиш ва меъморчилик институтининг санъатшунослик кафедрасида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб, талабаларга мусаввирлик сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳозир профессорнинг ўнлаб шогирдлари ўзи билан бирга меҳнат қилаяпти.*

*СУРАТДА: Н Султонов ижодхонасида.*

*Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.*



*Бир хотин фотографга марҳум эрининг сувратини олиб келипти.*

*— Шу сувратни катта қилиб бера оласизми?*

*— Ҳа, албатта.*

*— Бошидаги шляпасини олиб ташлаёласизми?*

*— Албатта. Фақат унинг сочлари қанақа бўлганини бизга айтсангиз бўлди.*

*— Нима учун? Шляпасини олиб ташлагач, ўзингиз кўраверасиз.*

* * *

*— Ё ичишни ташлайсиз ё кўздан ажраб, кўр бўлиб қоласиз. Танланг ўзингиз, — деб таъкидлади врач беморга.*




*— Биласизми, доктор, мен кекса одамман, назаримда, кўрадиган нарсанинг ҳаммасини кўриб бўлдим, шекилли.*

* * *

*Семиз одам туристларни олиб юрадиган извошчидан «бўшмисиз?» деб сўради. Извошчи имо билан отига ишора қилиб, шивирлади:*

*— Отим сизни кўриб қолмасдан тезроқ чиқа қолинг!*

* * *

*— Кўп ташкилотларда, — дея маъруза қилмоқда янги директор, — одамларнинг ярми ишлайди, ярми бекорхўжа... Бундан буён бизда бунинг акси бўлади.*




*Республика об-ҳавони кузатиш маркази хабар қилади:*

*15-19 июнь. Республикамиз ҳудудида салқин ва қуруқ ҳаво ҳукм суради. Фақат баъзи тоғли туманларда ва Фарғона водийсининг тоғ ён бағирларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши ва момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат меъёридагича бўлиб, кечалари 12-15, кундуз кунлари 27-32 даража, жанубда эса кечалари 15-20, кундуз кунлари 30-35 даража иссиқ бўлади.*






ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0319 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6